

КОНСТИТУЦИЯ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети
Юриспруденция таълим йўналиши 3-босқич талабаси

Nigora.0303@icloud.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7895118>

Аннотация: ушбу мақолада референдум натижалари, қанча сайловчилар иштирок этишгани, Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар батафсил ёритилган.


Калит сўзлар: конституция, референдум, бюллетен, Марказий сайлов комиссияси ва б. Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича референдумда давомати 84,54 фоизни ташкил этган.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев Ўзбекистонда 30 апрел куни ўтказилган референдумнинг дастлабки натижаларини эълон қилди.

Унга кўра, референдум участкаларига 16,6 миллиондан ортиқ сайловчилар келган ва давомат 84,5 фоизни ташкил этган.

«Референдумда Конституция тўғрисидаги Конституциявий қонунни қабул қиласизми?» деб берилган саволга 19 млн 722 минг 809 нафар фуқародан 15 млн 40 минг 55 нафари, яъни 90,21 фоизи ёқлаб овоз берган.

Бюллетенларнинг 0,49 фоизи ҳақиқий эмас деб топилган.



Унинг қайд этишича, референдум жараёни халқаро нормалар ва стандартларга, референдум қонунчиликлари, унда белгиланган очиқлик ва ошкоралик каби умумэътироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси қабул қилинган дейишга асослар етарли эканлиги таъкидланди.

Референдумнинг якуний натижасига таъсир қилмайдиган алоҳида камчиликлар ўз вақтида, жумладан, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик иштирокида аниқланиб, бартараф этилгани қайд этилган.

Унинг қўшимча қилишича, айрим ҳудудларда жиддий қонунбузарликлар аниқланган. Булар Сирдарё вилоятидаги 226-участка, Тошкент вилоятидаги 651-участка бўлиб, Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра қонунбузарликлар аниқланган, шунингдек, Тошкент шаҳридаги 772-участкасида қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ОАВда хабар берилган. Бу қоидабузарликлар МСК томонидан масъул бошқармалар билан биргаликда ўрганилади.

«Умуман олганда, барча сайлов участкаларининг 0,01 фоизидида қонунбузарликлар аниқланган», дея қўшимча қилди Зайниддин Низомхўжаев¹.

Ушбу референдум натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди.

Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди.

Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, расмий маълумотларга кўра, конституция 65 фоизга янгиланган.

1. Ўзбекистон – ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат

Конституциянинг 1-моддасидаги *“Ўзбекистон – суверен демократик республика”* жумласи қуйидагича ўзгартирилмоқда:

- Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат.

2. Конституция тўғридан тўғри амал қилади

15-моддага қуйидагича қўшимча қўшилди:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

3. Имтиёзлар қонунда ёзиб қўйилиши шарт эмас

Янги конституциянинг 19-моддаси (аввалги 18-модда) – фуқароларнинг жинси, миллати, мавқеи ва ҳоказолардан қатъи назар қонун олдида тенглиги ҳақида. Бу модданинг 2-қисми қуйидагича ўзгармоқда:

- **Эски:** Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.
- **Янги:** Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

4. Барча ноаниқликлар – инсон фойдасига

Конституциянинг янги таҳририга асосан:

- Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

5. Инсон ҳуқуқлари ижтимоий ахлоқ ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида чекланиши мумкин

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши масаласи [аввалги конституцияда](#)² қуйидаги иккита норма билан тартибга солинган эди:

¹ <https://kun.uz/news/2023/05/01/referendurning-dastlabki-natijalari-elon-qilindi>

² <https://lex.uz/docs/20596>

- Инсоннинг конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

- Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Конституциянинг янги таҳририда юқоридаги иккита норма деярли ўзгаришсиз сақлаб қолинди. Шу билан бирга, қуйидагича янги норма қўшилди:

- Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.

6. Ўқитувчилар алоҳида эътирофда

Конституцияга ўқитувчилар ҳақида янги модда қўшилди. У икки банддан иборат;

- Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

- Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

7. Ер хусусий мулк бўлиши мумкин

Ўзбекистонда 2022 йилдан эътиборан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш [бошланган](#)³. Шу билан деярли бир вақтда, ўтган йили эълон қилинган янги конституция лойиҳасининг [бирламчи версиясида](#)⁴ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хусусийлаштириш [мумкин эмаслигига](#)⁵ ишора қилинган [эди](#). Якуний талқиндан бундай чеклов олиб ташланди ва ерни хусусийлаштиришга оид норма қуйидагича шаклга келтирилди:

- Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Бош қомуснинг ўтган йили эълон қилинган биринчи лойиҳасида унга қуйидагича жумлани киритиш таклиф этилган эди: *“Иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмайди”*. Якунда бу борадаги нормалар қуйидагича кўриниш олди:

- Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади.
- Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади.

Ҳужжатнинг бирламчи лойиҳасида мавжуд бўлган: *“Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ҳамда бекор қилинмайди”* деган нормани конституцияга

³ <https://kun.uz/>

⁴ <https://kun.uz/99310234>

⁵ <https://kun.uz/31534502>

киритмасликка қарор қилинди. Эслатиб ўтамиз, амалдаги қонунчиликда ҳам бунақа қоида йўқ.

8. ОАВ фаолиятига тўсқинлик қилиш жавобгарликка сабаб бўлади

Аввалги конституциянинг “Оммавий ахборот воситалари” номли боби битта моддадан иборат эди. Унда шундай дейилганди: *“Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”*.

Янги конституцияга кўра, бу боб иккита моддадан иборат бўлди:

- *Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар.* Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир.
- Цензурага йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

9. Давлат бошқарувидаги ўзгаришлар. Президентнинг ваколат муддати 7 йил бўлди

Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги конституциясига биноан:

- **Президентнинг ваколат муддати 5 йилдан 7 йилга узайтирилди.** Президентнинг “давлат бошлиғи” мақоми, айти бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ президент бўлиши мумкин эмаслиги, президентнинг қасамёди матни ва президентга тааллуқли бошқа аксарият нормалар ўзгаришсиз қолдирилди. Маълумот учун, президентнинг ваколат муддати 2003 йилда ҳам 5 йилдан 7 йилга узайтирилган, 2011 йилда эса қайтиб 7 йилдан 5 йилга туширилган эди.
- **Бош вазир номзодини энди президент тақдим этади.** Президент бош вазир номзодини тақдим этишдан олдин парламентга кирган барча партияларнинг фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши белгиланди. Қонунчилик палатаси президент тақдим этган номзодни кўриб чиқади, агар депутатларнинг ярмидан кўпи маъқулласа, бош вазир лавозимга тасдиқланади. Агар депутатлар номзодни уч марта рад этса, президент бош вазирни тайинлаб, Қонунчилик палатасини тарқатиб юборишга ҳақли. Аввалги тартибга кўра, бош вазир номзодини Қонунчилик палатасида энг кўп ўринни эгаллаган партия таклиф қилар, президент маъқуллагач, номзод икки палата томонидан тасдиқланиши талаб этиларди.
- **Сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга туширилади.** 14 та ҳудуддан 6 нафардан эмас, 4 нафардан сенатор сайланади, президент томонидан тайинладиган сенаторлар сони 16 нафардан 9 нафарга қисқаради. Бу ўзгариш 2024 йилда бўладиган парламент сайлови вақтида кучга киради. Қонунчилик палатаси депутатлари сонини (150 нафар) оширмасликка, ўзгаришсиз қолдиришга қарор қилинди.
- **Бош вазирни тайинлаш ва унга ишончсизлик вотуми билдиришда Сенатнинг иштироки бекор қилинди.** Эндиликда бунинг учун депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми овоз бериши етарли (аввал ҳар икки палата аъзоларининг учдан икки қисми овоз бериши зарур эди; эслатиб ўтамиз, ишончсизлик вотуми эълон қилинса, президент бош вазирни лавозимидан озод этади). Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш ҳам қўйи палатанинг ваколатига

ўтказилди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ҳукумат аъзоларини истеъфога чиқариш тўғрисида президентга таклиф киритиш ваколатига эга бўлди.

- **Коррупцияга ва монополияга қарши курашиш органлари раҳбарларини президент тақдимига биноан сайлаш Сенатнинг ваколатига киритилди.** Сенат, шунингдек, энг юқори рангдаги суд мансабдорларини сайлайди, бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раислигига номзодларни кўриб чиқиб маъқуллайди, ДХХ раислигига номзод бўйича президент билан маслаҳатлашув ўтказади, Марказий банк раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, хориждаги асосий дипломатларни тайинлайди ва лавозимидан озод этади (буларнинг барчаси президент тақдимига биноан амалга оширилади). Бундан ташқари, Сенат маҳаллий кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ваколатига эга бўлди.

- **Қонунчилик палатаси қонунлар бўйича қўшимча ваколат олди.** Унга кўра, эндиликда Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида 60 кун ичида қарор қабул қилмаса, Қонунчилик палатаси қонунни президентга юборади. Қонунларнинг президент томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган муддат 30 кундан 60 кунга узайтирилди. Президент томонидан қайтарилган қонун парламент палаталари томонидан яна қабул қилинган тақдирда, президентнинг бу қонунни имзолаш ва эълон қилиш муддати ўзгаришсиз (14 кун) қолдирилди.

- **Президент муддатидан илгари президент сайловини тайинлашга ҳақли экани белгиланди.** Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ва Сенатга ўзини ўзи тарқатиб юбориш ваколати берилди (палата аъзоларининг камида учдан икки қисмининг овози талаб этилади). Шунингдек, жиддий воқеалар рўй берганида, икки палата қўшма қарор қабул қилган ҳолда парламент текшируви ўтказиши мумкинлиги ёзиб қўйилди.

- **Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди.** Конституцияга қўшилган бу норма бўйича ҳам ҳуқуқий шарҳга зарурат бор. “Судлар тўғрисида”ги қонунда “ҳисобдор” тушунчаси учрамайди. Судьяларнинг ўзлари чиқарган қарорлари бўйича ҳисобдор бўлмаслиги одил судловни таъминлашга қандай таъсир қилиши – изоҳталаб ҳолат, бизнингча. Бу каби мавҳум қоидалар пировардида янги конституцияни унинг тарғиботида кўп марта айтилган ва ҳужжатнинг ўзида ҳам белгиланган тўғридан тўғри ишлайдиган қонун бўлишини савол остида қолдиради.

- **Конституциявий суд судьялари 10 йил муддатга сайланади** ва қайта сайланиши мумкин бўлмайди. Аввалги тартибга кўра, бу муддат биринчи марта сайланганида 5 йил, кейингисида 10 йил эди.

Айни бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ лавозимни эгаллаши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида, президентдан ташқари, Сенат раиси, Қонунчилик палатаси спикери, Олий суд раиси ва ўринбосари, Судьялар олий кенгашининг раиси ва ўринбосари, Марказий сайлов комиссияси раиси ҳамда бош прокурорга нисбатан ҳам татбиқ этилмоқда. Ҳокимлар ва кенгашлар раислари бўйича эса бу қоида сурункасига икки мартадан ортиқ айнан битта вилоят, туман ёки шаҳарда ҳоким ёки кенгаш раиси бўлишни чеклайди; яъни бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ турли ҳудудларда ҳоким ёки кенгаш раиси бўлиши мумкин.

Референдумда қабул қилинган қонуннинг [7-моддаси](#) билан, барча даражадаги давлат мансабдорларининг айни пайтга қадар эгаллаб келган муддатлари ноллаштирилди.

Улар лавозимларини эгаллаб келаётганининг сурункали муддатлари сонидан қатъи назар, бошқа фуқаролар билан тенг равишда худди шу лавозимларга сайланиш ва тайинланишга ҳақли, деб белгиланди.

10. Маҳаллий давлат ҳокимиятидаги ўзгаришлар. Ҳокимлар кенгаш раислигидан кетади

Шунга мувофиқ, қуйидаги саналардан бошлаб, ҳокимларнинг кенгашларида раислик қилишига барҳам берилади:

- вилоятларида ва Тошкент шаҳрида 2024 йилги депутатлик сайловлари якунлари бўйича;
- туман ва шаҳарларида 2026 йил 1 январдан бошлаб.

Маҳаллий кенгашлари раислари кенгаш депутатлари орасидан 5 йил муддатга сайланади. Ҳокимлар эса 5 йил муддатга тайинланади, тайинланган ҳокимни кенгашлари тасдиқлайди. Шу тариқа, кенгаш раислари ҳам, ҳокимлар ҳам тўғридан тўғри аҳоли томонидан сайланмайди.

Кенгашларнинг ваколатларига, жумладан, қуйидагилар киради:

- маҳаллий бюджетни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, унинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини тасдиқлаш;
- ҳокимни лавозимга тасдиқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш.

Ҳокимларнинг ваколатлари эса, жумладан, қуйидагилардан иборат бўлади:

- конституция ва қонунларни, парламент палаталарининг қарорларини, президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг, юқори турувчи ҳокимларнинг ва тегишли халқ депутатлари кенгашларининг қарорларини бажариш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш.

Ҳокимлар ва маҳаллий кенгашларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби бўйича алоҳида қонунлар қабул қилинади. Маҳаллий масалалар бўйича уларнинг ваколатлари қандай тақсимланиши ана шу қонунларида акс этади.

Юқоридагилардан ташқари, конституцияга бошқа кўплаб нормалар ҳам кўшилган, жумладан:

- Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади.
- Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.
- Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.
- Ҳар ким ўз шахсига доир нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга ҳилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- Давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев конституция ислоҳоти ҳақида 2021-йил 6-ноябрь куни, иккинчи президентлик муддатига киришиши юзасидан инаугурация маросимидаги нутқида биринчи марта айтиб ўтган эди.

Давлат раҳбари ўша йили декабрь ойида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 йиллигига бағишланган байрам арафасида халққа йўллаган табригида “конституция янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етмиш марта ўйлаш”⁶ зарурлигини таъкидлаган эди.

2022-йил май ойида конституциявий комиссия тузилиб, ҳужжатни янгилаш жараёни бошланди⁷.

Расмий маълумотларга кўра, конституция қабул қилинган кун сифатида бундан кейин ҳам 1992 йил 8 декабр санаси эътироф этилади, 8 декабр – байрам санаси ўзгармайди⁸.

References:

1. <https://kun.uz/news/2023/05/01/referendumning-dastlabki-natijalari-elon-qilindi>;
2. <https://kun.uz/news/2021/12/07/yetmish-marta-oylab-qaror-qilish-kerak-shavkat-mirziyoyev-asosiy-qomusni-yangilash-togrisida>;
3. <https://lex.uz/docs/20596>;
4. <https://kun.uz/>;
5. <https://kun.uz/99310234>;
6. <https://kun.uz/31534502>;
7. <https://kun.uz/news/2022/05/20/konstitutsiyaviy-islohotlar-boyicha-kengash-tarkibi-tasdiqlandi>;
8. <https://kun.uz/news/2023/05/02/yangi-konstitutsiya-10-ta-asosiy-ozgarish>.

⁶ <https://kun.uz/news/2021/12/07/yetmish-marta-oylab-qaror-qilish-kerak-shavkat-mirziyoyev-asosiy-qomusni-yangilash-togrisida>

⁷ <https://kun.uz/news/2022/05/20/konstitutsiyaviy-islohotlar-boyicha-kengash-tarkibi-tasdiqlandi>

⁸ <https://kun.uz/news/2023/05/02/yangi-konstitutsiya-10-ta-asosiy-ozgarish>